

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Сардор Милано ва Сабина Мустаева билан ижодий учрашув бўлиб ўтди

12.11.2015

12 ноябрь куни Алишер Навоий номи Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Россиянинг “Главная сцена” лойиҳаси голиби Сардор Милано ва “Голос дети” танлови голибаси Сабина Мустаева билан ижодий учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда ОАВ ходимлари, мухлислар иштирок этди.

Тадбир кутубхона қошида ташкил этилган инглиз тили хаваскорларининг ёш ижодкорларга бағишланган видео-ролик намойиши билан бошланди. Тадбир давомида қаҳрамонлар санъат оламига қўйган илк қадамларини ёдга олиб, келажакдаги ижодий режалар ҳамда режалаштирилаётган концерт дастурлари ҳақида йигилганларга маълумот бериб ўтди.

Жумладан, Сардор Милано ўз яккаҳон концертини ўтказиш учун барча зарур тайёргарликлар қўрилгани, унинг қачон ташкил этилиши ҳақида яқин кунларда маълум қилишини айтиб ўтди

Ёш санъаткорлар мухлисларни қизиқтирган турли саволларга жавоб беришди.

Миржаҳон Юсупов, ЎзДЖТУ талабаси.